

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 4-ҳадис

4 - وَأَنَّهُ قَالَ لِعَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: «فَوَاللَّهِ، لَأَن يَهْدِيَ اللَّهُ بِكَ رَجُلًا وَاحِدًا خَيْرٌ لَّكَ مِنْ حُمْرِ

النَّعَمِ». [خ 3009 - م 2406].

4. Яна у зот Алий розияллоху анхуга: **«Аллоҳга қасамки, сен туфайли бир кишининг ҳидоят топиши сен учун қизил туяларинг* бўлишидан яхшидир», дедилар».**

* Ўша пайтда араблар учун энг гўзал ва мўътабар мулк айни етилиб, қизғиш тусга кирган туя ҳисобланган. Шунинг учун сўнгги жумлани «қизил туяларинг бўлиши» деб ҳам, «ана шундай қимматбаҳо мулкни садақа қилишдан яхши» деб ҳам тушунса бўлади. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам бу билан «Уларни ўлдирганингдан кўра уларнинг Исломга киришига сабаб бўлганинг яхши, шундай қил», демоқчилар. Исломда бир номусулмон инсоннинг мусулмон бўлишига сабаб бўлиш ана шундай улкан савобли иш ўлароқ тарғиб қилиниши билан бирга, бу иш тушунтириш, таклиф қилиш услублари билан амалга оширилиши, мажбурлаш билан бўлмаслиги қаттиқ уқтирилади. Аллоҳ таоло Ўз Расулига бу борада қуйидагиларни айтган: **«Агар Роббинг хоҳласа, ер юзидаги кишиларнинг ҳаммаси иймонга келар эди. Ёки сен одамларни мўмин бўлишга мажбурлайсанми?!»** (Юнус сураси, 99-оят)

Мен саҳиҳ ҳадислардан мухтасар ҳолда жамламоқни маъқул деб топдим. Бунда охирагга бўлган йўлни ўз ичига олган нарсалар ва ботиний ҳамда зоҳирий одобларни ўз ичига олган нарсалар, тарғиб ва кўрқитувчи ҳамда бундан бошқа солиқларни одоб турларини ўзида акс эттирган зуҳдга тааллуқли ҳадислар, нафслар риёзати, ахлоқларни сайқаллаш, қалблар мусаффолиги ва муолажаси, аъзоларни муҳофаза қилиш, уларнинг эгри нуқталарини кетказиш ва бундан бошқа орифларнинг мақсадлари тўпланган.

Мен бунда возиҳот бўлган саҳиҳ ҳадисларни зикр этишни лозим топдим. Бундан ташқари Қуръони карим оятларини ҳар бир бобнинг аввалида келтириб, мавзуга тааллуқли машҳур ва саҳиҳ китобларни унга қўшимча қилдим. Зобт ёки махфий маъноларни шарҳлашда муҳтож бўлинадиган ажойиб танбеҳларни истифода қилдим. Агар ҳадиснинг охирида «Муттафақун алайҳ» десам, демак, унинг маъноси имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилдилар, деганидир.

Ушбу китоб ўқувчиларга манзур бўлиб, яхшиликларга буюриб, қабоҳат ва ҳалокатга олиб борувчи амалларга тўсиқ бўлиб қолишини умид қиламан. Мен ушбу китобни ўқиб, бирор нарса наф олганлардан ўзим учун, ота-онамга, устозларим, бошқа аҳбобларим ва барча мусулмонлар ҳаққига дуо қилишларини сўраб қоламан.

ал-Карим сифатли Аллоҳга суянаман, Унга ўзимни топшириб, таянаман, кифоячим Аллоҳ, У мунча ҳам яхши вакил, ал-Азиз ва ал-Ҳаким сифатли Зотдан бошқа куч-қувват йўқдир.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI